



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2013-yil, 3-dekabr. Seshanba 145-146 (31.736) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан 3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунига бағишланган «Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тамойилининг устуворлиги, унинг ҳуқуқий асослари ва ЎзХДП Дастурида ижтимоий ҳимоя масалалари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.



Азизжон РИХСИЕВ ошган суратлар.

Кучли ижтимоий ҳимоя тамойили

жисмоний имконияти чекланган кишилар ҳаётда муносиб ўрин топишига хизмат қилмоқда

Унда ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофа-

за қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Марказий банк мутахассислари, шунингдек, Тошкент шаҳар партия кенгаши фаоллари ҳамда электрот

вакиллари қатнашди. Давра суҳбатида мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли иш-

лар амалга ошириладигани таъкидланди. Уларни ўйлан-тирайётган ижтимоий масалаларни ҳал этиш, қонунларда берилган имтиёزلардан фойдаланиш самара-

дорлигини ошириш каби мавзуларда фикр алмашилди. Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг тафсилоти билан газетамиз-

нинг келгуси сонидан танишишингиз мумкин.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

ЎзХДП: Электрот манфаати

Иродаси мустаҳкам ёшлар албатта мақсадига етади

Қодирли ҳаёт синовларини мустаҳкам иродаси билан енгиб ўтаётган замонашларимиздан биридир. У махсус мактабни битирганидан сўнг Фарғона шаҳридаги жисмоний имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган Республика касб-хунар коллежидан билим олди, тикувчилик хунарини эгаллади. Дастлаб кўни-кўшни, маҳалла-қўйдан буюртмалар ола бошлади.



Тез орада мижозлар буюртмаларини бажаришга бир ўзи улгурмайдиган бўлиб қолди. Шунда у кичикроқ корхона очишни ният қилди. Ҳозирда 10 нафар шогирди унинг ёнида меҳнат қилапти.

Ижтимоий муҳофаза

3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни арафасида пойтахтимизда Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳузуридаги Имконияти чекланган инсонлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Халқаро мезонлар сари муҳим қадам

Тадбир Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт лойиҳаси билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, экспертлар ҳамжамияти, шу йўналишда фаолият кўрсатган нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари, вазирлик ва идоралар, халқаро ташкилотлар ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари мил-

лий ассоциацияси раиси А.Каримов, «Нур» ногирон тадбиркорлар уюшмаси раиси Ф.Абдурахмонов ва бошқалар аҳолининг ижтимоий эҳтиёжманд қатламларини аниқ манзилли қўллаб-қувватлаш, уларга маънавий, тиббий, ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатиш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга ошириладиган давлат сиёсатининг муҳим йўналиши эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз Конституцияси, Меҳнат кодекси, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Таълим тўғрисида», «Фуқаролар солиғини сақлаш тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тў-

рисида»ги қонунлар ва бошқа қўллаб ҳужжатларда жисмоний имконияти чекланган инсонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган фуқароларни тиббий-психологик ва ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, зарур дори-дармон ва протез-ортопедия воситалари билан таъминлаш, ишга жойлаштиришга қўмаклашиш, Меҳрибонлик уйлари таъмирлаш ҳамда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Етакчиларнинг

СИЁСИЙ

билими

ва касбий салоҳиятини ошириш доимий эътиборда



2

«ФАОЛ АЁЛЛАР»

етақчилари билими, ташаббускор бўлса, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки кучаяди

2

ОИТС — тириклик ва

ТАРАҚҚИЁТ

душмани



3

Шахрулло МАҲМУДОВ:

«Олтин медаль қўлимизда, навбат —

ЖАҲОН РЕКОРДИГА!»



5

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ўқинг

Демократик модернизация жараёнида

тарғибот ишларини кучайтириш — долзарб масала



Ёрдамга муҳтож кишиларга мадад бериш, меҳр-эътибор кўрсатиш, уларни қўллаб-қувватлаш — халқимизга хос эзгу фазилат. ЎзХДП имконияти чекланган кишилар билим олиб, ўз орзуси ва қобилиятини рўёбга чиқариши, жамият ҳаётида фаол иштирок этишига қаратилган кучли ижтимоий сиёсат янада такомиллаштирилиши тарафдори.



O'ZBEKISTON OVOZI

— хилма-хил фикрлар минбари,

СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Келгуси сонларда:

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг веб-сайтида (parliament.gov.uz) ташкил этилган «Парламентаризм билимдони» онлайн танлови ғолиблари тақдирланди.

Тадбир тафсилотлари билан газетамизнинг келгуси сонларидан бирида танишасиз.

Етакчиларнинг сиёсий билими

ва касбий салоҳиятини ошириш доимий эътиборда

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти



Фаррух АЛИЕВ
олган суратлар.

«Демократик давлат қуриш», «Психолог», «Нима қилаяпсан?», «Занжир», «Ишонч». ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиларнинг сиёсий ва касбий маҳоратини ошириш мақсадида ташкил қилган семинар шундай номланган интерактив машғулотлар асосида ўтди.

Уларда ёш етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билими ва нотиклик маҳоратини янада мустаҳкамлаш, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга фаол муносабат билди-

риш кўникмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Семинар-тренингни ноанъанавий усулда ўтказишга, турли муҳим мавзулар бўйича ҳар бир иштирокчининг фикри, муносабатини билишга ҳаракат қилинди, — дейди ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Тошкент шаҳар бўлими етакчиси Дурбек Худойкулов. — Улар аудитория билан ишлаш, нотиклик маданиятини шакллантириш борасида қатор тақлиф-тавсиялар билдиришди. Фикр-му-

лоҳазалар турлича бўлди, энг муҳими, семинарда барча қатнашчи ўз фаоллигини кўрсатди. Бундай тадбирлар қанотимиз фаолиятини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу семинарда нафақат сиёсатшуносликка оид билимларимиз кенгайди, шу билан бирга, ўзимизга бўлган ишонч ҳам мустаҳкамланди, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти Учтепа туман бўлими етакчиси Муҳаммадюсуф Маҳкамов. — Албатта, сиёсатчи

доимо изланиши, янги манбаларни ўрганиши, замонавий билим ва кўникмаларни ўз фаолиятига жорий қилиб бориши зарур. Бугунги семинар ана шу борадаги тажрибаларимизни оширишда ўзига хос ўрин тутди.

Қанотимизнинг 10 дан ортиқ фаоли партияимиз ҳаётида муносиб иштирок этмоқда, — дейди «Истиқбол» ёшлар қаноти Юнусобод туман бўлими етакчиси Умид Хошимов. — «Истиқбол» атрофида бирлашган ёшлар қалбида Ватан тақдирига дахлдорлик, сиёсий фаоллик туйғуларини уйғотишимиз лозим. Бунинг учун ёшлар қаноти фаолиятини янада кучайтириш, тенгдошларимиз қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўйлантираётган айрим масалаларни биргаликда ҳал қилишимиз зарур.

Шунингдек, тадбир давомида «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиларининг депутатлик гуруҳлари билан ишлаш, ёшлар орасида ўтказилаётган тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш бўйича тажрибаларини оммалаштириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

«Истиқбол» ёшлар қаноти ҳузурида ташкил этилган «Ёш сиёсатчи» клублари фаолиятини янада кучайтириш, уларнинг иш режаларини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Нуралӣ ОРИПОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Иродаси мустаҳкам ёшлар албатта мақсадига етади



Халқаро мезонлар сари муҳим қадам

Ижтимоий муҳофаза

Бу борада нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим ўрин тутатгани эътиборга лойиқдир. Масалан, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ҳузурида ўтган йили ташкил этилган Имконияти чекланган инсонлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашининг асосий вазифаси БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича» конвенциясини ратификация қилиш бўйича миллий ҳаракат дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат ва жамоат ташкилотлари сай-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборат.

Мазкур конвенция 21 асрда инсон ҳуқуқлари бўйича дастлабки шартнома бўлиб, унда имконияти чекланган инсонлар муруват кўрсатиладиган объект эмас, балки ҳуқуқ ва эркинликларга эга, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда жамият ҳамда давлатни ривожлантиришнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари ҳисобланган шахслар экани эътироф этилган. Мазкур ҳужжатнинг ратификация қилиниши имконияти чекланган инсонларнинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш, химоя қилиш ва ривожлантириш учун қўшимча кафолатлар яратди.

Маслаҳат кенгаши ташкил этилганидан буён нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ҳамкорларнинг биргаликдаги сай-ҳаракатларини муҳофама этиш, қўшма фаолият режаларини ишлаб чиқиш, ахборот алмашиш бўйича йиғилишлар ўтказиб келмоқда.

Бу галги йиғилишда БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясини ратификация қилиш бўйича миллий ҳаракат режаси лойиҳасининг асосий қоидалари тақдим этилди. Иштирокчилар мазкур конвенцияни ратификация қилиш учун халқ таълими, транспорт ва йўл инфратузилмаси, архитектура ва қурилиш, соғлиқни сақлаш, бандлик ва бошқа турли соҳаларда қўлай шароитлар яратишга оид қатор масалаларни ҳам қўриб чиқди.

Йиғилиш натижалари бўйича БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенциясини ратификация қилишга босқичма-босқич тайёрлаш бўйича тақлиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА мухбири.

ЎзХДП: Электрат маънафати

— Инсон ҳар қандай қийинчиликдан қўрқмас, олдида аниқ мақсад қўйиб, астойдил интилса, албатта, унга етар экан, — дейди Қодирали Саидалиев. — Мен ўз тақдирим мисолида бунга амин бўлдим. Ўзим ўқиб, касб ўрганган қадрдон коллежимга тез-тез бориб тураман ва ўқувчиларга шу гапларни айтаман, ўз ҳаётим, эришган ютуқларимни гапириб бераман...

Мазкур коллежни тамомлаб, жисмоний имконияти чекланган бўлса-да, ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, меҳнат қилаётган матонатли кишилар ҳақида қўллаб-қувватлаш келтириш мумкин. Марғилондан Саломатхон Ҳасанова, Қувасойдан Шоира Каримова, Фарғонадан Одина Розикова, Риштондан Матлуба Охунова, Қўқондан Илхом Комиллов, Наманганнинг Мингбулоғидан Яхё Иброҳимов... Қўйингки, коллежни ҳар йили тамомлаётган 150-170 нафар битирувчининг деярли ҳар бири шу ерда ўрганган касби бўйича ўз ишига эга.

Коллежда бугунги кунда 458 нафар жисмоний имконияти чекланган йигит ва қиз таълим олмақда. Келгусида уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишлари, ўз касбининг устаси бўлишлари учун бу ерда барча шарт-шароит яратилган. 7 та тикувчилик, 4 та радиотелеаппаратураларини таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш устaxonаси, 2 та компьютер хонаси ва 17 та фан хонаси, кутубхона ҳамда 400 ўринли ётоқхона улар ихтиёрида.

Ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари назарий ва

**2013-2014 ўқув йилида
коллеж битирувчилари
175 нафар бўлиб, уларнинг
дипломолди амалиёт ўташи
ҳамда ишга жойлашиши
учун корхона ва ташкилот-
лар билан уч томонлама
шартномалар тузилди.**

амалий машғулотларни янги педагогик усуллар орқали ўтказишмоқда. Бу ерда тахсил олаётган ўқувчилар бошқалардан кам эмаслигини исботлаб, ҳунар ўрганиш билан ҳорижий тилларни ҳам ўзлаштирмоқда.

Ўқувчилар доимий шуғулланишлари ва саломатликларини мустаҳкамлашлари учун очик ва ёпиқ тренажёр, минифутбол, волейбол, гандбол, баскетбол майдончалари, узунликка сакраш, югуриш йўлакчалари мавжуд.

2013-2014 ўқув йилида коллеж битирувчилари 175 нафар бўлиб, уларнинг дипломолди амалиёт ўташи ҳамда ишга жойлашиши учун корхона ва ташкилотлар билан уч томонлама шартномалар тузилди.

— ЎзХДП вилоят кенгаши, Марказий банкнинг вилоят бош боксирмаси, «Микрокредитбанк» ҳамкорлигида учрашув ва семинарлар ўтказилиб, битирувчи ёшларга ўз ишини ташкил этиш учун имтиёзли кредитлар олиш бўйича тарғибот-тушултириш ишлари олиб борилади, — дейди коллеж дирек-

тори Мирзохид Пўлатов. — Масалан, радиотелеаппаратураларини таъмирлаш йўналиши битирувчиси Нодир Ҳамроқулов 10 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, Қирғули мавзеида маиший хизмат шохобчасини ташкил этди ва тенгдошларини ишга олди.

Яқинда ЎзХДП Фарғона вилоят ва шаҳар кенгашилари ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Фарғона вилоят бўлими ҳамкорлигида коллеж ўқувчилари билан учрашув ўтказилди. Ташкилотчилар ўқувчиларнинг орзу-ниятлари билан қизиқишди ва уларга маслаҳатлар беришди. Ҳукуматимиз томонидан яратилган имконияتلардан оқилона фойдаланиш ҳақида фикр алмашилди.

Коллеж биносидан чиқиб кетар эканмиз, катта мақсадлар сари олға интилаётган бу ёшларнинг ҳар бири ҳаётда ўз ўрнини топишга ишонч ҳосил қилди.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти Қашқадарё вилоят бўлими «Конституция — бахтимиз қомуси» деб номланган давра суҳбати ўтказди. Унда партия фаоллари, халқ депутатлари вилоят, туман Кенгашларидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳлари аъзолари, бошланғич ташкилотлар етакчилари ҳамда ёшлар қаноти вакиллари иштирок этди.

Конституция кунига бағишланди

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

Тадбирда таъкидландики, Бош Қомусимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, таълим олиши, касб танлаши, адолатли шароитларда меҳнат қилишига оид ҳуқуқлари тўлиқ кафолатланган. Бу имкониятлардан самарали фойдаланган йигит-қизлар илм-фан, спорт, санъат, маданият, ҳунармандчилик ва бошқа соҳаларда қўллаб-қувватлашга қўлга киритмоқда. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти

аъзолари ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Давра суҳбатида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг қизиқиш ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятига кенг жалб қилиш, сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Жамшид НАСРИЕВ,
ЎзХДП Қашқадарё
вилоят кенгаши масъул
ҳодими.

ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман кенгаши муҳофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти туман бўлими билан ҳамкорликда Конституциямизнинг 21 йиллиги муносабати билан байрам тадбири ўтказди. Унда партия фаоллари, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда истиқлол йилларида барча соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг асоси Бош Қомусимиз билан чамбарчас боғлиқ эканига алоҳида эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг мустақам ўрнига эга бўлаётгани, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалиб, фуқароларнинг турмуши фаровонлашиб бораётгани Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқларимиз ҳаётда таъминланаётгани

лигини кўрсатади.

Тадбирда сўзга чиққанлар, шунингдек, юртимизда давлат бошқарувини демократлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш, аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий билими ва фаоллиги ошиши йўлида партия ташкилотлари фаолиятини янада самарали ташкил этиш зарурлигини таъкидлашди.

Латифжон МАНСУРОВ,
ЎзХДП Юқори Чирчиқ туман
кенгаши раиси.

«Фаол аёллар» етакчилари билимли, ташаббускор бўлса

хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий
ҳаётдаги иштироки кучаяди

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилоят кенгаши ташаббуси билан «Фаол аёллар» қаноти етакчиларининг сиёсий ва касбий салоҳиятини ошириш мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.

«Фаол аёллар» қаноти

Унда жойларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришда «Фаол аёллар» қанотининг иштирокини кучайтириш ҳақида сўз юритилди. Андижон вилоят партия кенгашининг бу борадаги тажрибаси, қанотнинг туман ва шаҳар бўлимлари ютуқ ҳамда камчиликлари таҳлил қилиниб, улар фаолиятини такомиллаштириш масалалари хусусида фикр алмашилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзолари — Илтижо Бурхонова, Малика Юсупова, Одина Ҳасанова ҳамда Избоскан туман партия кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги депутатлик гуруҳи раҳбари Қумрихон Ҳўжаеванинг хотин-қизлар манфаатларини химоя қилиш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ибратли фаолияти эътироф этилди. Улар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

Семинар кун тартибидаги масала бўйича танқидий фикрлар ҳам, тақлифлар ҳам билдирилди, — дейди ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти Андижон вилоят бўлими етакчиси Барно Солиева. — Бу қанот фаолиятини кучайтириш, етакчиларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, муаммоларга ечим топишга қаратилган аниқ ташаббусларини кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Семинар-тренингда, шунингдек, ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлими мудир Боймурод Юсупов, Андижон вилоят партия кенгаши раиси Абдулхамид Нурматов сўзга чиқиб, мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Тадбир сўнигида етакчи хотин-қизлар фаоллигини янада оширишга қаратилган шундай семинарларни ҳудудий партия ташкилотларида ҳам ўтказишга келишиб олинди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

ЎзХДП САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДАН:

ЎзХДП қўшимча ижтимоий ва моддий ёрдамга муҳтож бўлган кишилар сафи босқичма-босқич камайиб бориши жамият фаровонлиги ўсишининг асосий кўрсаткичларидан бири, деб ҳисоблайди.

Таълим олиш ҳуқуқи кафолатлари

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

Давлат ва жамият ҳаётида таълим-тарбия нақадар улкан аҳамият касб этишини изоҳлаб ўтириш шарт эмас, деб ўйлайман. Конституциямизнинг 41-моддасида «Хар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир» дейилган. Асосий қонунимизнинг бу нормалари «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўзининг ташкилий-ҳуқуқий механизмини топган.

Бугунги кунда мамлакатимизда узлуксиз таълим тизими яратилиб, иқтисодий-ётимизнинг барча соҳалари учун олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш йўлга қўйилган. Бош Қомусимизга кўра, фуқаролар билим олишда жинси, тили, ёши, ирқи, миллий мансублиги, эътиқоди, динига муносабати, ижтимоий келиби чиқиши, хизмат тури, ижтимоий маъёни, турар жойи, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан қанча вақт яшаётганлигидан қатъи назар ҳар кимга билим олишда тенг ҳуқуқлар кафолатланади. Билим олиш ҳуқуқини бирон бир шаклда чеклаш тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради. Таълим тўғрисидаги қонун ҳужжатларида бошқа давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам республикаимизда билим олишлари мумкинлиги назарда тутилган.

Жисмоний имконияти чекланган айрим фуқароларнинг ҳам билим олиш ҳуқуқлари тўла ҳимояланган. Кўзи ожиз, эшитиш қобилияти паст, турли даражада ногирон фуқаролар таълим олишига мўлжалланган махсус таълим муассасаларининг фаолият юритиб келаётганлиги фикримиз исботидир.

Конституцияда белгиланганидек, умумий таълим олиш бепул амалга оширилади. Хозирда қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий

мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди. Юртимизда амалга оширилаётган моделнинг принциплал хусусияти шундаки, умумтаълим мактабидидаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчилар кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорига талаб қилинади-ган 3-4 та мутахассислик бўйича касб-хунар ҳам эгаллашади.

Ўзбекистонда мактаб таълими 7 та тилда: ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб борилади. Кейинги таълим босқичи, яъни олий таълим, олий ўқув юртидан кейинги таълим фуқаронинг ўз хоҳишига қараб бепул ҳамда шартнома асосида тўлов эвазига амалга оширилиши мумкин.

Мазкур йўналишда таълим соҳасида ислохотларнинг самарали боришини таъминловчи ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Рес-

публикасининг «Таълим тўғрисида» (янги таҳрирда) қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Соғлом авлод учун» орденини таъсис этиш тўғрисида»ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони, «Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги, «Халқ таълими муассасалари харажатларини молиялаштириш механизмининг янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг янги сифат босқичига кўтарилганлигидан далолат берди. Биргина мисол. Жорий йил май ойида 47-Халқаро Менделеев олимпиадасида Ўзбекистон ёшлари 2 та олтин, 5 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритди.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражаси-

да, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдир.

Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар, туман, вилоят марказларида янги, барча қулайликларга эга бўлган, замон талабларига жавоб берадиган, илгор техника ва технологиялар билан жиҳозланган олий ўқув юрлари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, умумтаълим мактаблари ташкил этилди ва этилмоқда. Мавжудлари тўла капитал таъмирдан чиқарилди.

Ўзбекистонда таълим соҳасини ривожлантириш ва ислох этишга йўналтирилаётган йиллик харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 10-12 фоизини ташкил этаётгани ва бу тизимнинг Давлат бюджетига харажатларидаги улуши 35 фоиздан ортиқни ташкил этиши ўз-ўзидан мазкур соҳага қаратилаётган улкан эътиборнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Таълим олишнинг яна бир муҳим жиҳати бизда таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билим ва профессионал кўникмаларини эгаллаши, яъни пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан мулоқот қилиш, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлардан атрофича хабардор бўлиш, жаҳондаги улкан интеллектуал бойликни эгаллашнинг энг муҳим шартини ҳисобланган хорижий тилларни ҳам чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият берилмоқда. Шу ўринда мамлакатимизда таълим соҳасида жаҳоннинг нуфузли олий ўқув юрлари билан ҳамкорликда дунё таълим стандартларига жавоб берадиган олий таълим муассасалари — Вестминстер университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Москва давлат университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети, Губкин номидаги Россия нефть ва газ университетининг филиаллари ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Усиб келаётган ёшларнинг мақсади — таълим соҳасини тубдан ислох қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражаси-

нинг нафақат интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, балки жисмонан бақувват бўлишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда уч босқичдан иборат мактаб ўқувчилари учун «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хунар коллеж талабалари учун «Баркамол авлод», Олий ўқув юрти талабалари учун «Универсиада» спорт ўйинлари жорий қилинди. Президентимизнинг 2002 йил 24 октябрдаги Фармони билан Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

Мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан таълим соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларга 2012 йил 16-17 февралда Тошкентда ўтказилган «Юксак билим ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шартини мавзусидаги халқаро конференциянинг якуний хулосасида ҳам юксак баҳо берилди. Конференцияда Ўзбекистон мисолида аҳолининг, шу жумладан, олис қишлоқлардаги болалар ва ёшларнинг барча босқичларда бепул умумий ва ўрта махсус касб-хунар таълими олиш жорий этилганлиги бир қатор давлатлар учун фойдали тажриба бўлиши мумкинлиги айтилди. Таълим тизимидаги ишлар намуна сифатида тан олинди.

Бугунги кунда ҳар қандай мамлакатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафақат табиий ресурсларнинг мавжудлиги, балки биринчи навбатда, замонавий янгиликларни ўзлаштиришга қодир юксак билим ва малакали кадрларга боғлиқдир. Бош қонунимиз ана шу юксак ахлоқли, замонавий билим ва кўникмага эга кадрларни тайёрлашнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Сотиболди БОБОҚУЛОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати,
юридик фанлари доктори,
профессор.

Дунё бўйлаб

Тинч океанида



янги орол пайдо бўлмоқда

Япониянинг қирғоқ муҳофазаси мутахассислари Токиодан минг километр жанибдаги Тинч океанининг кимсасиз Нисиносима ороли ҳудуди яқинидаги сув остида янги вулкон отилаётгани ва натижада янги орол пайдо бўлаётганини кузатдилар. Юзага келаётган янги оролнинг ҳудуди ўтган ҳафтанинг ўзига 1,3 мартага кенгайган. Яъни айланаси 200 метр, баландлиги эса 20 метрга етган.

Кодзи Ито етакчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳи хабар қилишича, дейилди «NHK» телеканали ахборотида, вулкон отилиши

хамон давом этмоқда. Демак, орол майдони янада кенгайиши турган гап.

Нисиносима ороли ҳам 1974 йили вулкон отилишидан пайдо бўлган. Унинг узунлиги 800, эни эса 500 метрга тенг.

Бундай вулкон отилишидан пайдо бўлган оролларнинг аксарияти вулкон фаоллиги сўнгач, яна сув остига гарқ бўлади.

Агар мазкур вулкон отилишидан юзага келаётган янги орол вулкон фаоллиги сўнгач, сув остига чўкмас, Япония ороллари яна биттага кўпаяди.

Таъкидлаш жоизки, халқаро меъёр талабларига кўра, қирғоқдан кейинги 12 денгиз миلى (22,2 километр) давлат денгиз ҳудудига қиради. Яна 12 денгиз миلى шу ҳудудга тегишли ҳудуд ҳисобланади. Қирғоқдан кейинги 200 денгиз миلى (370 километр) дан сўнг давлатнинг иқтисодий ҳудуди чегараси тугаган ҳисобланади ва континентал шельф бошланади, сўнг эса очик денгиз ҳудуди ястанади.

Шаҳар ҳавоси



Хитой Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ташкилоти вакиллари айтишича, дейилди «Associated Press» ахборот агентлиги хабарига, Пекин аҳолисининг кабоқпазлар тутунидан шикоят мазкур «тозалов»ни ўтказишга сабаб бўлди. Бундан ташқари, шаҳар ҳавоси айрим кунлари ҳаддан зиёд булғаниши ҳам асос бўлиб хизмат қилди.

Шаҳар маъмурияти ҳудуд атмосфераси ифлосланишининг олдини олиш мақсадида бир қатор амалий чоралар белгиланган. Жумладан, автомобилъ соҳиблари ҳафтада бир кун ўз машинасида эмас, балки жамоат транспортда юришга мажбур. Шунингдек, ҳаво ўта булғанган кунлари айрим заводлар фаолияти вақтинча тўхтатилади.

тозалигини таъминлаш учун

Пекин шаҳри маъмурияти шаҳар ҳавоси тозалигини таъминлаш мақсадида кўчалардаги барча кабоқпазларни шохобчаларини ёпди. Бу жараён уч ой давом этди. «Тозалаш» жараёнида 500 дан ортиқ кабоқпазларни уқсуналари мусодара қилинди ва улар металлларга топширилди.

Машина маст ҳолда бошқарилса



мусодара қилинади

Беларусда жорий йилнинг октябридан йўл ҳаракати қоидаларини бузгани учун жавобгарлик кучайтирилган. Унга кўра, кимки бир йил давомида икки марта маст ҳолда машина бошқариб, қўлга тушса, суд қарорига кўра машинаси мусодара қилинади.

Яқинда Минскдаги Первомайск райони суди янги қоида бўйича дастлабки ишни қўриб чиқди.

«Интерфакс-Запад» ахборот агентлиги хабар қилишича, «Фиа» русумли автомобиль эгаси кейинги бир неча ҳафтада икки марта маст ҳолда машина бошқариб, қўлга тушганлиги айтилди.

Таъкидлаш жоизки, машина унинг номида эмас, балки бошқа шахс номида бўлишига қарамай, суд уни мусодара қилиш ҳақида қарор чиқариб, ҳайдовчи эса 1,5 йилга маошининг 20 фоизини давлат фойда-да ушлаб қолиш шартини билан ахлоқ тузатиш ишига жалб қилинди.

Бухоро вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази «Ўзбекистон овози» газетасининг 2013 йил 30 ноябрь, 144-сонидан берилган эълондаги буюртмачи бошланғич қийматининг биринчи устуни ҚҚС билан, иккинчи устуни ҚҚСиз деб тузатиб ўқилишини маълум қилади.

ОИТС — тириклик ва тараққиёт душмани

Миллий матбуот марказида



Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ОИТСга қарши кураш маркази билан ҳамкорликда Бутунжаҳон ОИТСга қарши курашиш кўни муносабати билан «ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, халқимиз саломатлигини муҳофазалаш борасида амалга оширилаётган ишлар бераётган самаралар» мавзусида матбуот анжумани ўтказди. Унда вазирлик ва марказнинг масъул ходимлари иштирок этди.

Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Сайдулло Сайидалиев ўз қарши сўзида одам иммунитет танқислиги вирусини (ОИВ) чақирадиган ОИТС касаллиги бугунги кунда дунё мамлакатлари учун жуда катта глобал муаммага айланиб улгургани хусусида тўхтал-

ди. Бу касаллик асосан аҳолининг меҳнатга лаёқатли қисмини зарарлайди ва унга чалинганларни ижтимоий ҳимоя қилиш мажбуриятини пайдо қилади. Унга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги иқтисодий тараққиётга, аҳолининг соғлом ҳамда беҳавотир турмуш

кечиришига хавф туғдиради, миллий тараққиёт ва барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Республикаимизда аҳолининг кенг қатлами, айниқса, ёшлар, ОИВ инфекциясини юктириб олишга мойил гуруҳлар орасида тегишли профилактик тадбирлар олиб борилмоқда.

Масалан, сўнгги икки йил давомида ОИВ инфекцияли беморларни эрта аниқлаш, даволаш самарасини мониторинг қилиш мақсадида давлат бюджетидан 5 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ ажратилиб, 23 турдаги замонавий лаборатория ва даволаш асбоб-анжомлари харид қилинди ва ўрнатилди. 2012 йилда ОИВ инфекциясига текширувлар сони 2,2 миллионни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ўтган 10 ойида бу кўрсаткич 2,2 миллиондан ортиб кетди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида ОИВнинг аниқланиши 2010 йилга нисбатан 1,3 мартага камайгани кузатилди.

Жорий йилда ҳам ОИВ инфекцияли шахсларни даволашга катта эътибор қаратилмоқда. Хозирда 7800 дан ортиқ ОИВ инфекцияли шахслар ретровирусга қарши махсус даволанмоқда. Шу мақсадда Глобал Жамғарма лойиҳаси маблағларидан 3,4 миллион АҚШ доллари сарфланди. 2014 йилда давлат бюджетидан 2 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Республикаимизда ОИВ инфекциясини онадан болага ўтишининг

олдини олиш ишларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Республикада ҳомиладор аёлларни ОИВ инфекциясига қарши текшириш жорий қилинган бўлиб, бундай тадбирлар натижасида ўтган йилда ОИВ инфекцияли ҳомиладорлардан 98 фоиз ҳолатда соғлом фарзанд дунёга келтирилган. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу кўрсаткич 94 фоизни ташкил этди.

Яқинда мазкур касалликнинг олдини олишга қаратилган янги ҳуқуқий ҳужжат — «Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши кураш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Унга асосан амалга оширилаётган тадбирлар нафақат касалликнинг олдини олиш, балки диагностика, даволаш ва ижтимоий муҳофаза каби масалаларга оид муносабатларни қамраб олади. Шу билан бирга, янги қонун билан ОИВ инфекциясини тарқалишига қарши кураш соҳасидаги давлат сиёсати, ушбу соҳада фаолиятини бевоқифа амалга оширувчи давлат органлари вазифалари белгилаб қўйилди.

Анжуманда Республикаимиздаги даволаш-профилактика муассасалари, ихтисослаштирилган марказлар, илмий-текшириш институтларининг масъул ходимлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.



Владимир Гранкин олган суратлар.

Дардингни олай, болажон!

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган имконияти чекланган болаларга ногиронлик аравачалари ва совғалар топширилди.

— Бу ерга тўпланган болалар ва уларнинг ота-оналарини Конституция байрами билан табриклайман, — деди «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси бошқаруви раиси Светлана Иномова. — Айнан Конституциямизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига давлат томонидан ғамхўрлик кўрса-

тилиши алоҳида қайд этилган. Бугунги тадбир турли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилмоқда. Юртимизда жисмоний имконияти чекланган фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз томонидан катта ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, уларнинг мактабда ўқишлари учун зарур ша-



роитлар яратилган. Бундан қўзланган мақсад жисмоний имконияти чекланган болалар ҳам тенгдошлари каби мактабга боришни, уларни жамиятга аралашувини таъ-

минлашдир. Бугун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида истиқомат қилаётган жисмоний имконияти чекланган болалар учун ногиронлик аравачаларини топширдик. Эндиликда бу хайрли иш бутун республика бўйлаб давом эттирилади.

Тадбирда таъкидланганидек, «Соғлом авлод учун» жамғармасига халқаро ҳамкор ташкилотлар томонидан дори-дармон, тиббиёт анжомлари, мултивитамины, ногиронлик аравачалари каби мурувват ёрдамлари келтирилди. Булар жамғарманинг минтақавий филиаллари ҳамда ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари орқ-

Темур АЪЗАМ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Ностандарт ва қўлбола иситгичлардан фойдаланиш тақиқланади

Фавкулотда вазиятлар вазирлиги томонидан «Аҳоли орасида ис газидан заҳарланиш ва маиший газнинг чақнаши оқибатида жабрланиш, шунингдек, овқатдан заҳарланиш билан боғлиқ ҳолатларнинг профилактикасига бағишланган чоратадбирлар» мавзуида матбуот анжумани ўтказилди.

Табиийки, куз-қиш мавсумида совуқ кунлар бошланади ва аҳолининг табиий газга нисбатан эҳтиёжи янада ортади ҳамда айримлар ностандарт ҳамда қўлбола иситгичлардан фойдаланади. Шунинг натижасида бугунги кунда токик ва ис газларидан заҳарланиш, иситиш ускуналари ва газ сўриш насосларидан фойдаланиш хавфсизлик қоидаларининг бузилиш ҳолатлари учраб турибди.

Тахлилларга кўра, токик газдан заҳарланишнинг 60-70 фоизи табиий газ билан боғлиқ бўлиб, 15-20 фоиз қисми босимнинг ўзгарувчанлиги кўшимча газ сўриш насосларининг ўрнатилиши, уларнинг ёниқ қолиши натижасида пайдо бўлади ва табиий газдан заҳарланиш ҳолатлари келиб чиқади. Ўтган йил давомида вазирликнинг ишчи гуруҳлари томонидан жойларда текширувлар ўтказилганда савдо мажмуалари ва бозорлар, қорхона ва ташкилотлар, таълим ва мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, театр ва кинотеатр ҳамда бошқа иш жойларида ностандарт иситгичлардан фойдаланилгани сабабли маъмурий жарима солиниб, баъзи объектларнинг



иш фаолияти вақтинча тўхтатилган. Тўрт юзга яқин ностандарт ва қўлбола истиш мосламаси сотувдан чиқарилди. Жорий йилдан ҳозирги кунга қадар Фавкулотда вазиятлар вазирлиги ва таркибий тузилмалар томонидан тегишли идоралар билан ҳамкорликда жойлардаги жами 2000 дан зиёд объект ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий чоралар кўрилди. Шунингдек, фавкулотда вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ОАВ орқали мингдан ортиқ турли видеоролик, радиоэшиттириш, мақола ва эслатмалар тақдим этилди. Аҳоли ўртасида тушунириш ишлари ва суҳбатлар ўтказилди.

Бугунги кунда озиқ-овқат саноати ривожланиб бориши билан бирга истеъмол маҳсулотлари сифатини назорат қилиш оқолатиш муассасалари ва савдо расталарида санитария-гигиена қоидаларига риоя этиш зарур. Қолаверса, биз ўзимиз ва яқинларимиз соғлигини асраш мақсадида харид қилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатига, уларнинг сақланишига эътиборли бўлишимиз талаб этилади.

Альбина ЖУМАНОВА,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси

Аждодларимизнинг асрий армонлари, халқимизнинг эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек эзгу тилаклари, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдириш, уларнинг бахтини, камолини кўришдек орзу-ҳаваслари Конституциямизда ўз аксини топди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кўни

Бош Қомусимизни ҳаяжон билан ўрганар эканмиз, унда муқаддас неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган, фикр илгари сурилганини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари бир-бирига уйғунлаштирилганини яққол кўришимиз мумкин. Зеро, бахтимиз қомусида жамиятнинг барча жабхалари қамраб олинган. Унда таъкидланганидек, республикамизда бошқа миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва ананаларини ҳурмат қилиш таъминланади, уларнинг ривожланиши учун шароит яратилади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиб, тарбиялаш ва ўқитишни

таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради. Фарзандлар ота-оналарнинг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Қомусимизда меҳнатга лаёқатли фарзандлар улғайиб воёга етган, ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликларни қайд этилган. Бундан ташқари, Конституцияда фуқароларнинг аҳиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат каби фазилатлар ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Бош Қомусимиз халқимиз хоҳиш-иродасини ифодаловчи, инсон манфаатларини қўзловчи тенгсиз ҳуқуқий ҳужжат, барча орзу-умидларимизни рўёбга чиқарувчи асосий манбадир. Ўтган йилларга рағбати билан, фикрлайдиган бўлсак, Конституциямизда белгиланган гошлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда.

Бунёдхон МУЛЛАЖОНОВ,
Фарғона шаҳар 3-сонли
давлат нотариал идораси
нотариуси.

ИИБ Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида «Конституция — инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий қафолати» мавзуида семинар ўтказилди.

Инсон манфаати — олий қадрият

Тадбирда республика ёнғин хавфсизлиги хизмати тизимида ёш мутахассисларнинг ҳуқуқий-сиёсий билимини ошириш, уларнинг ўз ишига бўлган масъулиятини, шахсий жавобгарлигини кучайтириш бўйича ўзаро фикр алмашилди.

Таъкидландики, ҳар бир инсоннинг эркинлигини таъминлаш, фаровон ҳаёт кечириши ва фаол меҳнат қилиши учун шароит яратиш Асосий қонунимизда қафолатланган. Конституцияни қанча қўқур билган киши ўз ҳуқуқ ва бурчини шунча яхши англайди.

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида муккамал сиёсий-ҳуқуқий ҳужжатдир. Унда инсон ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият сифатида мустақамлаб қўйилган.

Бош Қомусимиздаги бу гошлар ҳаётда ўз ифодасини топиб келмоқда.

Раҳман ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Навоийда янги қорхона иш бошлади

Президентимиз Фармони билан ташкил этилган Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона фаолияти қўламини тобора кенгайиб бормоқда.

Ушбу ҳудудда қисқа вақт ичида 14 та янги қорхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларда жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган 70 турдан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Биргина ўтган йилда 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қорхоналарда 600 га яқин маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда. 2015 йилга қадар ҳудудда умумий қиймати 270 миллион АҚШ доллари тенг яна 24 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этиш режалаштирилган. Яқинда Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлигида яна бир йирик қувватли янги қорхона-ўз фаолиятини бошлади. Ушбу «HAYAT POWER CABLE Systems» қорхонаси мамлакатимиз энергетика соҳасига зарур бўлган йирик қувватли электр энергия-

Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Очиқ коллегиал мажлислар

Самарқанд вилоятидаги эксперимент субъектлари ҳисобланган идораларнинг коллегиал йиғилишлари мазкур талабдан келиб чиқиб ўтказилмоқда.

Жумладан, вилоят божхона бошқармасида ўтказилган навбатдаги коллегиал йиғилишга соҳа ходимлари билан бирга фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари тақдир этилди.

Йиғилишда бошқарма фаолияти, 2013 йилнинг ўтган уч чорагида амалга оширилган ишлар таҳлил этилди. Товарларни божхона назоратидан ўтказиш ҳамда божхона расмийлаштируви жараёнида фуқаролар, тадбиркорлик субъектларига яратилган имкониятлар, берилган имтиёзлар ҳақида маълумот берилди.

Йилнинг ўтган даврида божқарма томонидан давлат бюджетига 167,12 миллиард сўм маблағ тушуши таъминланган. Амалдаги қонунчиликка асосан ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига божхона тўловларидан 531,65 миллиард сўмлик имтиёзлар қўлланилган. Маҳаллийлаштириш дастури бўйича фаолият олиб бораётган 16 қорхона ва ташкилот ҳам импорти қилинган товарлар учун шундай имкониятдан фойдаланган. Божхона идораларида яратилган «Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими» ва бошқа дастурлар соҳа ишини янада тақомиллаштириш ҳамда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг божхона билан боғлиқ ишларни тез ва қисқа фурсатларда бажаришига хизмат қилмоқда.

Шундай очик коллегиал мажлис қимматли қорозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази вилоят божқармасида ҳам ўтказилди. — Ҳуқуқий эксперимент давомида божқармаишга мувожаат қилган фуқароларга қонун лойиҳасида белгиланган тартиб асосида жавоблар берилди, — дейди қимматли қорозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази вилоят божқармаси бошлиғи Норбой Жўматов. — Фаолиятимиздаги очиклиқ турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш ва мавжуд муаммоларга барҳам беришни таъминламоқда. Шу боис мувожаатларга жавоб бериш баробарида жойларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, уларни қизиқтирган масалалар атрофида муҳокама этилмоқда. Интернетдаги веб-сайтими (sapt.scm.gov.uz) ҳам зарур маълумотлар билан тўлдирилиб, янгиликлар ўз вақтида жойлаштирилмоқда.

Бошқарма коллегиал мажлисида фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари, тадбиркорларга зарур маълумотлар берилди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

●●● Пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида таэквондо (WTF) бўйича ўсмирлар ва кизлар ўртасида навбатдаги мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан уч юз нафарга яқин ёш таэквондочлари кўруги йўналиши бўйича майдонга тушди.

Ғолиб ва совриндорлар

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси таркибига қабул қилинади



— 2014 йил 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида II Бутунжаҳон ўсмирлар олимпиадаси ўтказилади. — дейди Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси катта мураббийи Абдувоҳид Раҳимов. — Ёш таэквондочиларимизнинг ушбу нуфузли мусобақада қатнашишлари учун келаси йилнинг март ойида Хитой Тайпейида бўлади.

Берди. Энди ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олган спортчилар халқаро турнирларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладилар. Биринчиликда 1997 — 1999 йилларда таваллуд топган кизлар ва ўсмирлар ўртасида кучлилар ўн тасдан вази тоифасида аниқланди. — Ўзбекистон таэквондо ассоциацияси таклифига кўра, юртингизда



Муҳаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.

ган икки мусобақа — ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпионати ва Олимпия саралаш турнирида муносиб иштирок этишлари талаб этилади. Ана шу муҳим мусобақалар олдида мамлакат биринчилиги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасини шакллантириш учун ўзига хос кўрик вазифасини ўтаб

ёшларга ушбу спорт тури сирларини ўргатаётган, — дейди корейлик мутахассис Ким Дэй Унг. — Бир ярим йилдирки, Наманган вилоятида мураббийлик қилаётган. Мамлакат биринчилигида ўн икки нафар шогирдимдан аксарияти ўз вази тоифасида совриндорлар қаторидан жой олди.

Мусобақа якунида ўз вази тоифаларида Раъно Бойбўтаева, Динара Мамадибрагимова (Тошкент вилояти), Ситора Эргашева (Самарқанд), Муҳлиса Рўзиматова, Ботиржон Давлатов (Фарғона), Суҳроб Бобобеков, Хуршид Абдукаримов (Жиззах), Зарина Абдуллаева, Нигора Турсункулова, Умида Абдуллаева, Юлия Маркова, Валентин Хейгай, Шаҳбоз Шофайзиев, Руслан Шин (Тошкент) сингари ёш таэквондочилар шохсупанинг юқори поғонасидан ўрин эгалладилар.

Эркин ХОЛБОБО

«CHAROG'ON TEKSTIL» фабрикаси иш бошлади

●●● Жарқўрғон туманининг Марказий Сурхон маҳалласида фойдаланишга топширилган ушбу йирик корхонада айни кунларда 250 киши меҳнат қилаётган бўлса, келгуси йилдан бошлаб 500 кишининг бандлиги таъминланади.

Бугун юртимизнинг барча гўшаларида юксалиш ва тараққиётдан дарак берувчи ўзгаришлар, бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Сурхондарё вилоятида биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 3 триллион 341 миллион сўмни ташкил этган бўлса, ўсиш суръати 2012 йилнинг шу даврига нисбатан 112,2 фоизга етган. Барқарорлиқни таъминлаш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш, хориж инвестициясини жалб қилишга қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида амалдаги йилнинг шу даврига жойларда 224 та саноат корхонаси ишга туширилиб, 10 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

— Фабриканинг умумий лойиҳа

Шаҳрулло МАҲМУДОВ:

«Олтин медаль қўлимизда, навбат — жаҳон рекордига!»

Шу йилнинг 18-27 октябрь кунлари Вроцлав (Польша)да оғир атлетика бўйича ўтказилган саксонинчи жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоасининг эришган муваффақияти барчамизнинг кўксимизни фахр-ифтихорга тўлдирди. Унда моҳир полвонларимиз — Руслан Нурудинов ҳамда Улугбек Алимов ғалабалари муносабати билан Ватанимиз байроғи сарбаланд бўлди, давлатимиз мадҳияси янгради. Ўзбекистон терма жамоаси эллик тўққиз давлат орасида умумжамоа ҳисобида кучли тўртликдан жой олди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 30 октябрдаги Фармонида мувофиқ жаҳон чемпионатларида эришган ютуқлари билан Ватанимизнинг спорт соҳасидаги шон-шухратини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қўлган муносиб ҳисаси учун оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзолари Руслан Нурудинов «Ўзбекистон ифтихори», Улугбек Алимов «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвонлари билан тақдирланди.

Спортчиларимизнинг жаҳон чемпионатидаги иштироки, келгуси режалари ҳақида Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси биринчи вице-президенти Шаҳрулло Маҳмудов билан суҳбатлашдик.

— Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг чемпионатга пухта тайёрланиши ва беллашувларда муносиб қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган Ўзбекистон спортчиларининг 2016 йилда Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлашга оид қарори

муҳим дастуриламал бўлди. — Мусобақанинг 105 килограмм вази тоифасидаги баҳсларида ўн етти мамлакатдан ийгирмадан зиёд оғир атлетикачи ўзаро рақобатлашди. Чемпионлик учун кураш асосан уч спортчи — икки карра Осиё чемпиони ва Бутунжаҳон универсиадаси ғолиби ҳамюртимиз Руслан Нурудинов, россиялик жаҳон рекардчиси Давид Беджанян ва Лондон Олимпиадаси совриндори, польшалик Бартломей Войцех Бонк ўртасида кечди. Полвонимиз штангани даст кўтаришда 190, силтаб кўтаришда 235 ва иккикураш натижасига кўра, жами 425 килограмм натижа қайд этиб, умумий кўрсаткич бўйича биринчи ўринни эгаллади. Иккитори спортчимиз Руслан Нурудинов оғир атлетикачиларимиз ўртасида жаҳон чемпионлигини кўлга киритган биринчи спортчи сифатида мамлакатимиз спорт тарихидан жой олди. Шунингдек, нуфузли мусобақада Осиё чемпиони Улугбек Алимов (77 кг) штангани силтаб кўтаришда 197 килограмм натижа қайд этиб, қумуш медалга, иккикураш бўйича 355 килограмм кўрсаткич билан бронза медалга сазовор бўлди.

— Шаҳрулло ака, бундан 15-20 йил илгари оғир атле-



тикачиларимизнинг бундай юксак натижалари ҳақида фақат орзу қилинарди. Бугун кўлга киритилган бу ютуқлар ўз-ўзидан рўйбга чиқмаётган бўлса керак, албатта.

— Ха, полвонларимизнинг жаҳон чемпионатларида кучли ўнликдан жой олишини интизорлик билан кутган пайтларимиз кўп бўлган. Оғир атлетикачиларимизнинг ёзги Олимпия ўйинларига йўланмаларни кўлга киритиши эса кўпчилик учун тушдек туюлган, десам хато бўлмайди. Энди вазият ўзгарди. 2004 йилги Афина олимпиадасидан бошлаб спортчиларимиз ҳар тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаларида мунтазам равишда иштирок этиб келмоқда. 2008 йилги Пекин олимпиадасида икки нафар спортчимиз майдонга чиққан бўлса, Лондонда ўтказилган охириги ёзги Олимпия ўйинларида бир йўла олти нафар полвонимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Агар сўнги ўн йилликда ўтган қитъа чемпионатлари тарихига назар ташласак,

уларнинг барчасида вакилларимиз кучлилар қаторида эътироф этиб келинаётганини кўрамиз.

— Польшада Руслан Нурудинов жаҳон рекордини ҳам янгилаши мумкин эди. Бирок мусобақа чоғида мураббийлар полвонимизга бошқача кўрсатма беришди...

— 105 кг вази тоифасида жаҳон рекордлари — даст кўтаришда 200, силтаб кўтаришда 238 килограммни ташкил қилди. Аслида Руслан ҳар иккала кўрсаткични ҳам машғулотлар чоғида бир неча мартаба қайд этган. Аммо жаҳон чемпионати бу шунчаки машғулот эмас. Катта спортда таваккалчилик доимо ҳам ижобий натижа беравермайди. Мусобақадаги кучли ҳаяжон ва босимни ҳисобга олган ҳолда мураббийлар вазиятни тўғри баҳолашди, деб ўйлайман. Агар биз жаҳон рекорди ортидан қувганимизда, чемпионат олтин медалидан қуруқ қолишимиз мумкин эди. Мана жаҳон чемпионлиги кўлга киритилди, энди — навбат жаҳон рекордига! Шу зайдда ишлашда давом этсак,

ишонаманки, келгуси жаҳон чемпионатида янги рекордлар, албатта, спортчиларимиз томонидан ўрнатилади.

— Ҳадемай, 2016 йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган навбатдаги ёзги Олимпия ўйинларига саралаш мусобақалари бошланади. Олдинда эса кўлаб жиддий мусобақалар турибди. Бу спортчиларимизни толиқтирмайдими?

— Ғалабага фақат катта меҳнат ва машаққатлар эвазига эришилади. Биз жаҳон чемпионатидан қайтгач, Тошкент халқаро аэропортидан тўғри Чирчиқ шаҳрида жойлашган ўқув-машғулотлар қароргоҳимизга бордик. Чунки Польшада ўтказилган жаҳон чемпионати алақачон тарихдан жой олди. Спортда чемпионлиқни кўлга киритишдан кўра, уни сақлаб қолиш мушкул, деган гап бор. Биз эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб қолмасдан янги-янги марралар сари ўзимизни тайёрлаб боришимиз зарур.

Келгуси йил оғир атлетикачиларимиз учун ниҳоятда масъулиятли саналади. Жумладан, биргина сентябрь ойида спортчиларимиз иккита йирик мусобақада иштирок этадилар. Дастлаб 4-14 сентябрь кунлари Остона (Қозғоғистон)да саксон биринчи жаҳон чемпионати ўтказилса, 19 сентябрдан 4 октябргача Инчон (Жанубий Корея) шаҳри ёзги Осиё ўйинларига мезбонлик қиладилар. Бундан ташқари, шу йил охиригача оғир атлетикачиларимиз ана иккита йирик халқаро турнирда ўз омадларини синиб кўришлари лозим. Мазкур мусобақалардан бирига Руслан Нурудинов ҳам тақлиф этилган. Аммо полвонимиз унда иштирок этмайди. Чунки Руслан йил бошидан бери Осиё чемпионати, Бутунжаҳон универсиада-си ҳамда жаҳон чемпионатларида ўзини кўрсатди. Тўртинчи мусобақа спортчимизни толиқтириб қўйиши мумкин. Шу боис йил охиригача ўтадиган турнирларда Достон Ёқубов (62 кг), Руслан Макаров (69 кг) каби оғир атлетикачиларимизга имконият берамиз.

Эркин ХОЛБОБО суҳбатлашди.

Паралимпиячиларимиз муваффақияти

Ўзбекистонлик икки нафар паралимпиячи 2014 йилнинг 7-16 март кунлари Россиянинг Сочи шаҳрида бўладиган XI қишки Паралимпия ўйинлари йўлланмасини кўлга киритди.

Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасидан маълум қилишларича, Голландияда қишки спорт турлари бўйича ўтказилган халқаро турнирда пойтахтлик Евгений Слепов сноуборд, сирдарёлик Равил Ғиёсов тоғ чангиси бўйича мусобақада Паралимпия ўйинлари лицензиясига эга бўлган.

Шундай қилиб, беш спортчимиз қишки Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштирок этадиган бўлди. Эслатиб ўтамиз, фигурали учини бўйича мамлакатимиз чемпиони Миша Ге, тоғ чангиси бўйича Артём Воронов ва Ксения Григорьева ҳисобида ҳам Олимпия ўйинлари йўлланмаси бор.

Байрам АЙТМУРДОВ, ЎЗА мухбири.

«Сочи — 2014»

қиймати 417 минг АҚШ долларини ташкил этади, — дейди «Ўзбек-энерго» давлат акциядорлик жамияти масъул ходими Худойёр Мирзотуллаев. — Жижилар Япониядан келтирилган. Жамоада «Устоз-шогирд» аъёнасини йўлга қўймоқчимиз. Келгусида иш икки сменада ташкил этилиши билан 500 кишининг бандлиги таъминланади. Ҳозирданок чет давлатлардан маҳсулотларимизга буюртмалар тушмоқда.

Маҳмуанинг умумий майдони 2 гектардан ортиқ бўлиб, ишчи-хизматчилар учун турар-жой, ошхона, сауна, тиббиёт хонаси, маданий-маърифий маскан фаолият кўрсатмоқда. Бепул иссиқ-овқат ташкил қилинган. Яқин кунларда нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилади.

Мамлакатимизнинг чекка қишлоқ ҳудудларида амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар қишлоқ ёшларининг бандлигини таъминлаш ва аҳоли фаворонлигини оширишга хизмат қиладилар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Реклама ўрнида

STANDARD & POOR'S

халқаро рейтинг агентлиги

2013 йилнинг 26 ноябрь куни

Ўзбекистон Республикаси
Ташқи иқтисодий фаолият
миллий банкининг

кредит рейтингларини
ТАСДИҚЛАДИ

Узоқ муддатли рейтинг — «В+»
Қисқа муддатли рейтинг — «В»

Рейтинглар истиқболи:

«Барқарор»

Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

www.nbu.com

Болалар спорт



Ижтимоий ҳимоя

«Шўртангазкимё»

мажмуаси жамоаси

Бош Қомусимиз —
Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
21 йиллиги

байрами билан
барча
юртдошларимизни
муборакбод
этади!





Ўқурматли юртдошлар!

«Асака» банк (ОАЖ)

Сизларни Конституция куни байрами билан табриклайди ва миллий валютадаги қуйидаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:



«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун

телефонлар: 120-39-81,
120-39-60, 120-39-63.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

«Асака» банк сармоянгиз сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2014 йилда қурилиши, реконструкция, капитал таъмирланиши режалаштирилган қуйидаги объектларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШINI ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Пахтачи туманидаги 25-сон болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши (II тип)	2 316 277 503 сўм	2 779 533 004 сўм	8,5 ой
2.	Самарқанд туманидаги 12-сон болалар мусика ва санъат мактаби қурилиши	2 297 101 720 сўм	2 756 522 064 сўм	8,5 ой
ЛОТ 24-3:				
Лот-1	Каттақўрғон шаҳридаги 10-мактабга 12х24м ўлчамли кўшимча спортзал қурилиши	361 355 159 сўм	433 626 191 сўм	7 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги 3-сон Грек-рим ва эркин кураш йўналишидаги ўсмир болалар олимпия захиралари спорт мактабини реконструкция қилиш	780 626 355 сўм	936 751 627 сўм	8 ой
Лот-3	Самарқанд шаҳридаги 4-сон ўсмир болалар олимпия захиралари спорт мактабини реконструкция қилиш	877 892 113 сўм	1 053 470 535 сўм	8 ой

Қурилиш ишлари Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
1.	Самарқанд шаҳридаги Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейни капитал таъмирлаш	989 579 968 сўм	1 187 495 962 сўм	8,5 ой
ЛОТ 22-2:				
Лот-1	Ургут туманидаги Агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш	796 373 752 сўм	955 648 502 сўм	8 ой
Лот-2	Оқдарё туманидаги 310 ўқувчи ўринли 53-сон (210 ўқувчи ўринли кўшимча ўқув блоки ва 12х24м спортзал қурилиши) мактабини реконструкция қилиш	968 062 093 сўм	1 161 674 512 сўм	8 ой
ЛОТ 23-3:				
Лот-1	Самарқанд шаҳридаги Ҳуқуқшунослик касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш (18х30м ўлчамли спортзал қурилиши)	663 282 270 сўм	795 938 724 сўм	8 ой
Лот-2	Самарқанд шаҳридаги Автомобиль йўллари касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш	658 626 496 сўм	790 351 795 сўм	8 ой
Лот-3	Иштихон туманидаги Баҳрин қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш	572 366 680 сўм	686 840 017 сўм	8 ой
ЛОТ 25-3:				
Лот-1	Самарқанд туманидаги 350 ўқувчи ўринли 31-сон (80 ўқувчи ўринли кўшимча ўқув блоки ва 12х24м спортзал қурилиши) мактабини реконструкция қилиш	682 242 925 сўм	818 691 510 сўм	8 ой
Лот-2	Пайариқ тумани Челақ қўрғондаги Қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежини капитал таъмирлаш	830 468 438 сўм	996 562 125 сўм	8 ой
Лот-3	Оқдарё туманидаги 23-сон мактабини капитал таъмирлаш	461 008 877 сўм	553 210 652 сўм	7 ой

Қурилиш ишлари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва ҳижозлаш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

№	Объект номи ва жойлашган манзили	Буюртмачи бошланғич нархи		Қурилиш муддати
		ҚҚСсиз	ҚҚС билан	
	ЛОТ 26-6:			
Лот-1	Каттақўрғон тумани, Саройқўрғон ҚФЙ Қорадарё массивида сув иншооти ва тармоғи қўрилиши	113 450 643 сўм	136 140 772 сўм	5 ой
Лот-2	Қўшрабод тумани, Пичот ҚФЙ Қуралас массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	106 502 486 сўм	127 802 983 сўм	5 ой
Лот-3	Нарпай тумани, Арабхона МФЙ Арабхона массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	103 738 664 сўм	124 486 397 сўм	5 ой
Лот-4	Пастдарғом тумани, Димишқиболо ҚФЙ «Қамолот» маҳалласи Қашшоф массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	137 039 612 сўм	164 447 534 сўм	5 ой
Лот-5	Ургут тумани, Бешбулоқ ҚФЙ Сариктепа массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	99 361 675 сўм	119 234 010 сўм	5 ой
Лот-6	Ургут тумани Мирзақишлоқ ҚФЙ Мирзақишлоқ массивида сув иншооти ва тармоғи қурилиши	117 790 802 сўм	141 348 963 сўм	5 ой

Қурилиш ишлари Республика бюджетни маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи: Самарқанд вилояти ҳокимлиги инжиниринг компанияси.

Манзили: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 1-уй.

Телефон: (8366) 235-82-86.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида»ги қарорига асосан Лот 22-2 (Лот-1), Лот 23-3 (Лот-3), Лот 24-3 (Лот-1), Лот 25-3 (Лот-2, Лот-3), Лот 26-6 (Лот-1, Лот-2, Лот-3, Лот-4, Лот-5, Лот-6) ва Самарқанд шаҳридаги Иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицейни капитал таъмирлаш объектлари бўйича пудрат ташкилотларини танлаш фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида амалга оширилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига, кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала

ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўйилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ сум-

маси кўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун суровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри,
Кўксарой майдони, корпус-2Д,
403-хона.
Телефон: 231-13-51,
факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари
бир тўпламининг қиймати —
80 000 (саксон минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати — оферталар очилиш кўни ва соатига.

Таклифлар (оферталар) очилиши, матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб, 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги инжиниринг компанияси биносида соат 10-00 да ўтказилади.

«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»

акциядорлик компанияси жамоаси:



— Азиз юртдошлар, 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган куннинг 21 йиллик
байрами билан барчангизни табриклаймиз!



Бунёдкорона меҳнатимиз
ҳар бир хонадонга, юртимизга
фаровонлик олиб келаверсин.

Она диёримиздан тинчлик-
осойишталик, шоду хуррамлик
аримасин!

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ»

унитар корхонаси
жамоаси

халқимизни мамлакатимиз
Конституциясининг 21 йиллик
байрами билан
муборакбод этади!

Мустақиллигимиз шарофати билан
гуллаб-яшнаётган Она-Ватанимиз
равнақи йўлида амалга ошираётган
эзгу ишларингизда муваффақиятлар
тилайди!



MUASSIS:

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Sharbat ABDULLAYEVA

Ulug'bek
MUSTAFOYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farroh HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

BO'LIMLAR:

Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-10-13;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatandorlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kottibiyat — 233-72-83.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba
kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 1246

10247

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21.00

Topshirilgan vaqti — 00.50

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Sobirjon TUNG'ATOV,

Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 5



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI